

ШАРҚШУНОСЛИК 2009/1-2

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг илмий журнали

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ НАШРИ

ШАРҚШУНОСЛИК
1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган
(№ 02-0053, 16.01.2007 й.)

Бош муҳаррир:

А.МАННОНОВ

Таҳрир хайъати:

Р. АБДУЛЛАЕВ

С. ҲАСАНОВ

Н.ТЎХЛИЕВ

Т. МУХТОРОВ

М. ИСҲОҚОВ

Р. ХЎЖАЕВА

М. АҲМЕДОВА

А. ҚУРОНБЕКОВ

Б. АБДУХАЛИМОВ

Қ. СОДИҚОВ

У. ИДИРОВ

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ

(масъул котиб)

М. КОМИЛОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Журнал докторлик ва
номзодлик диссертациялари
юзасидан илмий мақолалар чоп
этилиши лозим бўлган илмий
нашрлар рўйхатиغا Ўзбекистон
Республикаси Олий Аттестация
Комиссияси томонидан
киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқланиши мумкин.

МУНДАРИЖА

ТИЛШУНОСЛИК

Омонов Қ. XII–XIV юзйилликларнинг олди-берди ва савдо-
сотиқ битимларида қўлланган қолип-биризма тўғрисида

Воҳидов А. Тасаввуф терминологиясининг шаклланиши
омиллари (муаммонинг қўйилиши)

Назаров Б., Рихсиева Г. “Маснавийи маънавий” асари
матнида феъл туркумига оид сўзларнинг лингвопоэтик
хусусиятлари

Орипов З. Қадимги ёзма манбаларда исломдан аввалги давр
музиқаси билан боғлиқ атамалар

Алимова Х. Дарий тилида инкор префикслари

Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” асарида
ёзилган шарҳлар

Усмонова Ш. Туркий тилларда “ўйиқ” семасидан шаклланган
оёқ кийим номлари

Нуриддинов Н. Форс тилида копулятив қўшма
сўзларнинг структур-семантик таснифи

Ахмедова Д. Форс тилида бир составли равиш
ҳоллари ва уларнинг ифодаланиши

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Содиқов Қ. Мавлоно Лутфийнинг уйғур
ёзувида битилган шеърлари

Бекчанов И. Ўрта Осиёда тазкиранавислик
анъаналари (XVI аср иккинчи ярми – XVII аср биринчи чораги)

Амонов Ш. «Девони Ниҳоний»: аслият ва
табдил қиёси

Зикруллаев М. “Ал-Изоҳ” журналининг адабиёт
саҳифаси

Маҳмадхўжаев О. Эрон адабиётида хотин-
қизлар мавзунининг тарихий-ижтимоий асослари

ТАРИХШУНОСЛИК ВА ФАЛСАФА

Чжан Бу. 论中国国家性形成中的哲学作用 Хитойда
давлатчиликнинг шаклланиши даври фалсафий
таълимотларнинг ўрни

Оқилов С. Калом илми тарихи ва унинг Мовароуннаҳрда
қириб келиши

Рахматова Х. Мустақиллик йилларида Хожа Аҳрор ҳаёти ва
фаолиятининг ўрганилиши

Нашрга тайёрловчилар:

А. Ҳабибуллаев (муҳаррир),
М. Зарифов (техник
муҳаррир),
Д. Арифжанова (техник ходим).

Журнал оригинал-макет
асосида босилди.

Индекс 100065.
E-mail: toshdshi@mail.ru
Интернет: www.tdshi.uz

© Шарқшунослик, 2008
Босишга рухсат этилди 15.12.08.
Бичими 1/16. Шартли 9,25 б.т.
500 нусхада босилди. Буюртма №
Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент давлат шарқшунослик
институтининг кичик
босмахонасида босилди.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик
институтининг кичик
босмахонасида босилди.

*Файзиев Х. XV аср биринчи ярмида темурийларнинг Кўк ва Оқ
Ўрда билан сиёсий алоқаларига доир*

*Раъно Ўразова. “Авеста”нинг Ардвиги Сура ва Аши алқовлари
қиёсий таҳлилига доир.*

*Канимкулов О. Ўзбекистон цивилизация жараёнининг турли
минтақаларидаги маданий ўчоқлари тадқиқотларини
уюштиришида Яхё Фуломовнинг роли*

ИҚТИСОД ва СИЁСАТ

*Идинов У. Мустақил демократик тараққиёт барқарорлиги ва
хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсат
стратегиясининг етакчи асоси*

*Ғиёсов Б. Ҳиндистон Республикасининг Марказий Осиёдаги
иқтисодий дипломатияси*

*Шазаманов Ш. Қунгзи: 中庸 - Zhong yong таълимотининг
ижтимоий – сиёсий моҳияти*

*Мустапова Х. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг бугунги кундаги
асосий йўналишлари*

*Қодирова З. Форс кўрфази минтақасидаги
интеграцион жараёнлар*

ИЛМий ҲАЁТ

3 конференция ҳақида

- Хитойшунослик
- М. Ганди
- Мумтоз филология

муқаддималарида учраган *ҳамд*, *наът*, *тавҳид*, *муножот* сингари анъанавий бошланмалар ҳам маълум маънода тасаввуф терминологиясининг тараққиётига хизмат қила бошлади.

Демак, тасаввуф терминологияси ўзининг шаклланиш ва тараққиёт давомида бир неча босқичларни, унинг шаклланишига жиддий сабаб бўлган ва таъсир кўрсатган омилларни бошдан кечирдики, уларни жиддий тадқиқ этмасдан туриб тасаввуф терминологиясини ўрганиб бўлмайди. Терминологик пластининг комплекс характердаги таҳлили объектив хулосалар чиқарилишини таъминлайди. Бунда зикр этилган омилларнинг мазкур қатлам шаклланишига чамбарчас боғлиқ ҳолда таъсир ўтказганини доимо назарда тутиш кераклиги асосий шарт сифатида белгиланади. Қуръони карим ва Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларидан бошланган жараён ва тасаввуф адабиётининг тараққиёти, диндаги мазҳабчиликнинг вужудга келиши ва тариқатланиш муносабатлари, тасаввуф тарихидаги Ирфон босқичининг хусусиятлари, айниқса, тадқиқотимизнинг асосий объекти бўлган Марказий Осиёда тасаввуф терминологиясининг шаклланишида муҳим омиллардан бўлган Хожагон тариқатининг вужудга келиши, Яссавийлик тариқатининг кенгайиши, Нақшбандийлик таълимотининг XVII асрдан кейинги янгиланишининг таъсири (муҷаддидийлик ҳаракати) ва Қаландарийликнинг вужудга келиши ҳисобга олиниши керак. Бундан ташқари, терминларнинг форсий адабиёт доирасида қўлланилиши, бадий асарлардаги тасаввуфий истилоҳлар, уларнинг хорижий тилларга таржима этилиши билан боғлиқ манбаларгагина таяниш лозимлигини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз.

**Баҳодир НАЗАРОВ,
Гулчеҳра РИХСИЕВА**

“Маснавийи маънавий” асари матнида феъл туркумига оид сўзларнинг лингвопоэтик хусусиятлари

Бугунги кунга келиб диний-фалсафий адабиётга, хусусан, тасаввуф адабиётига қизиқиш ортмоқда. Шу сабабли буюк мутасаффувларнинг машҳур асарларини ўзбек тилига таржима қилиш соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари ҳам ўзбек тилига ўғирилди. Мазкур асарни ўзбек тилига Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржима қилди. Ушбу таржима асарнинг энг мукаммал нусхаларидан бири – эронлик машҳур маснавийшунос олим филология фанлари доктори, Муҳаммад Истеъмолий томонидан 7 жилдда тайёрланиб, 2000 йилда Техронда нашр этилган нусха асосида амалга оширилди. Таржимон Ж.Камол ўзбек китобхонлари ва Жалолиддин Румий ижодиёти ихлосмандлари учун катта тухфа тақдим этди. Ж.Камол “Маснавий” таржимасига моҳирона ёндашиб, унинг ҳар бир сатри қаърига яширинган чуқур маъноларни ўзбек ўқувчисига тушунарли тилда баён этган. Таржимада Жалолиддин Румий яшаган ва ижод қилган давр руҳи, тасаввуф адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, айниқса, баён услуби

ва рамзий ифодаларини маҳорат билан сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Бунда “Маснавий”га хос вазни сақлаб қолган ҳолда асар мазмунининг етказиб берилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Асар матнидаги тасаввуфий ғояларнинг тўғри талқин этилиши, ижодкор мақсадининг ўқувчига тўғри етказиб берилиши – жуда катта вазифа. Бу эса тасаввуф фалсафаси, тасаввуфий рамзлар мазмун-моҳияти, “Қуръони карим” оятлари ва ҳадислар бўйича чуқур билимга эга бўлишни талаб қилади. “Маснавий” таржимасининг моҳирона амалга оширилгани таржимоннинг бу хусусдаги билимлари жуда кенг эканлигини кўрсатади. Шакл ва мазмун мутаносиблиги сақлаган ҳолда, асар поэтикасининг ўзбек тилидаги матнда ҳам ўзига хос тарзда намоён этилгани таржимоннинг форс тилини ҳамда бадиият сирларини чуқур эгаллаганидан далолат беради.

Маълумки, ҳар қандай таржимада мазмуннинг талаб даражасида етказиб берилиши асосий ўрин эгаллаши кераклиги муҳим. Ижодкор баён этаётган мавзу, ғоя ва мақсадни асар яратилаётган тил бирликларидан ўзига хос тарзда фойдаланиб ифодалайди. Айниқса, шеърини матнда тилнинг коммуникатив вазифасидан ташқари поэтик функцияси ҳам ифода топади. Таржимада эса қўлланган тил бирликларини ўрганиш, бошқа тилга ўгириш жараёнида бадиийликни сақлаш, асарнинг поэтик жиҳатларига путур етказмаган ҳолда бошқа тил китобхонига етказиб бера олиш ҳам асосий шартлардан ҳисобланади. Бадиий матн поэтикасини таъминловчи стилистик воситалардан ташқари сўз ва турли ифодаларнинг танланиши, маъно ва шакл мутаносиблигини сақлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тилнинг эстетик функцияси биринчи ўринда намоён бўладиган бадиий матнни тилшунослик жиҳатидан таҳлил қилишда унинг поэтикасига алоҳида аҳамият бериш лозим. Чунки поэтиканинг асосий илмий муаммоси нутқий мулоқотнинг қандай воситалар ҳисобига санъат асарига айланишини ўрганишдан иборатдир.¹ “Маснавий”нинг ўзбекча матнини ўқир эканмиз, матн бадиийлиги, поэтикасини сақлаб қолиш учун турли усуллардан фойдаланилганини кўрамиз. Бадиий асар матнида поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш лингвопоэтик таҳлил учун муҳим тамойиллардан ҳисобланади.² Бунда матндаги ўзига хос бадиийлик касб этган тил бирликларини таҳлил қилиш билан бадиий матн поэтикаси ҳақида хулосалар чиқариш мумкин бўлади. Мазкур мақолада фикрларимизни биргина феъл туркумига оид сўзларнинг матн поэтикасига таъсири ва бунда таржимоннинг услуби масаласини ёритишни мақсад қилиб олдик.

¹ Р.Якобсон. Лингвистика и поэтика// Структурализм: "за" и "против". М., 1975.

<http://philologos.narod.ru/classics/jakobson-lp.htm>;

² М.Иўлдошев. Бадиий матн лингвопоэтикаси. Т., Фан, 2008. 156-157-б.

Феъл туркумига оид сўзлар турли шаклларда қўлланиши мумкин. Одатий шакллардан ташқари матнда бадийликни таъминлаш учун феъл шакллари куйидаги ҳолатларда қўлланиши кузатилади:

1. Асар матнида феълларнинг танланишида форсча ифодаларнинг сақланиб қолганини учратамиз. Масалан,

Неча юз минг бор умид уздим магар –

Мен қуёшдин бунга ким бовар этар.

Ёки *Кимки бовар этса, ул охирда мот,*

Шоҳга шул ордона қушдин не мурод.

Бовар этмоқ форс тилида “ишонмоқ” маъносини фодалайди. Бу қўшма феъл тарзида ўзбек тилига ҳам ўзлашган бирлик ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унинг *ишонмоқ* сўзига маънодош бўлиши кўрсатилган. Таржимон асл матнда қўлланган ифодани ўзбекча вариантда сақлаб қолган, бу эса байтга мумтоз адабиётимизга хос поэтик жозибадорлик бахш этган.

Бундан ташқари соф форсий феъллар ҳам таржимада қўлланилганки, улар ҳам асарга хос бўлган оҳангдорликни таъминлашга хизмат қилади:

Чун ёмонлик айладинг, омода бўл,

Амри Ҳақ бирлан ўсиб-унгайдир ул.

Ёки

Бул авомким, ўзгага суд айлади,

Қувди ўзни, балки мардуд айлади.

Мазкур байтлардаги *омода бўлмоқ* (*тайёр бўлмоқ*), *суд айламоқ* (*фойда қилмоқ*), *мардуд айламоқ* (*рад қилмоқ*) форсий феъл шакллари ҳам юқоридаги мақсадни амалга оширишда восита бўлганлигини кўришимиз мумкин.

2. Шеърӣй вазн талабига кўра феъл шаклининг ўзгарган тартибда қўлланишига ҳам қатор мисоллар келтириш мумкин:

Ул қуёш туққай сабаблар саф-басаф,

Ҳам сабабларни этар ул бартараф.

Бартараф этмоқ феълнинг ўзаро ўрин алмашган ҳолда қўлланиши вазннинг сақланишига хизмат қилган бўлса, қўшма феъл қисмларининг дистант ҳолатда берилиши эса қофия талабини ҳам қондирган.

3. Ҳар қандай тил ҳодисасини тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилишда синхрон ва диахрон аспектдаги тадқиқот шаклини аниқлаш ниҳоятда муҳим. Синхрон тадқиқ асосан тил бирликларининг ташқи шакли бўйича хулосага таянади, бирликларнинг поэтикаси, семантикаси эса албатта диахрон тадқиққа ҳам эътибор беришни талаб қилади. Бунда маъно қирраларини, нозикликларини аниқлаш, матнда ифодаланаётган маънони айнан англаш ва таҳлил қилишда барқарор тил бирликларини ўзгарувчан бирликлардан фарқлаш, шунга кўра таҳлил қилиш талаб этилади.

Бадиий асар тилини ўрганишда ижодкор яшаган тарихий шароит, асар яратилган давр тилининг ўзига хос жиҳатлари, асарнинг ёзилиши жараёни, муаллифнинг мақсади кабиларга эътибор бериш кераклиги тилшунос олимларимиз томонидан эътироф этилган.¹ Биз “Маснавийи маънавий” хусусида сўз юритар эканмиз, унинг мумтоз адабиётнинг энг ноёб намунаси эканлигини ёдда тутган ҳолда айтиш жоизки, унинг таржимасида ҳам бу тарихий колоритнинг сақланиши зарурий сифат ҳисобланади. Бунинг мисоли тарзида асар матнида поэтикликни ошириш учун мумтоз адабиётимизга хос шакллар, яъни феъл шакллари тарихий вариантлари қўлланган жуда кўплаб байтларни кузатамиз:

Жам бўлур юз минг аҳллар, боқ, ҳали,

Доми Ҳақдин ўзга бир ҳақ кўргали.

Бу каби байтларда ҳозирги адабий тилимиздаги *-ар* замон шаклининг *-ур* тарзида, *-гани* мақсад равишдошининг *-гали* тарзида қўлланиши ҳам матн поэтикасини оширган.

Феълнинг ўтган замон маъносини ифодаловчи *-ган эди* шакли ўрнида *-мишиди* шаклининг қўлланишини ҳам матнда кўплаб мисраларда учратиш мумкин:

Қулни озод айламишиди, лек нуқул,

Истаги Луқмонни хурсанд этса ул.

Мазкур шаклнинг ўтган замон давом феъли (*-ар эди*) маъносида қўлланганини ҳам кузатамиз:

Жонни кўрмасдан умр кечирмиши эди,

Ерга тушмасдан уруғ унмиши эди.

Шеъринг матнда товуш такрорининг алоҳида оҳангдорлик яратган ҳолда поэтик функция бажариши², бу ҳолат эса мумтоз шеъринг учун ҳам, замонавий шеъринг учун ҳам муҳим элемент сифатида амал қилиши қатор тадқиқотлар учун объект бўлган. Биз таҳлил этаётган матн таржимасида ҳам шундай байтлар мавжудки, уларда товуш такрори алоҳида поэтик тасвирни янада жонлантирган.

Шоҳ йўлига тўр қўйишига тушдилар,

Тўр қўйишни шоҳдин ўрганмишидилар.

Қуйида келтирилган байтда матн поэтикасига таъсир этувчи яна бир восита ҳақида сўз юритиш мумкин:

Тангри азм этмишиди бор этмоққа халқ,

Жонлари ул баҳри қудрат ичра гарқ.

¹ Ғ.Абдурахмонов Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида// Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари. – Т.,Фан, 1966. 4-11-б.,

² Қаранг: Г. Векшин Метафония в звуковом повторе (к поэтической морфологии слова) // <http://www.nlobooks.ru/rus/magazines/nlo/196/856/875/>

Байтдаги *азм этмишиди* феъли сўз ясовчи формант вазифасида қўлланувчи ёрдамчи феъл¹ *эт* воситасида ясалган бўлиб, бу формантга замон қўшимчаси тарихий шаклда қўшилган. Иккинчи мисрада қўлланган форсий изофа шаклидаги *баҳри қудрат* ифодаси ҳам поэтик таъсирни кучайтирган. Асар матнида бу каби форсий изофа қолипидаги мисолларни таржимада ҳам кўп учратамиз:

Шукри Яздон айлайин, бўлди аён,

Ул хаёлида хаёлин кўрди жон.

Ёки

Нақши жоним излаюрмен эрта кеч,

Кўрмадим бир кимсада нақшимни ҳеч.

4. “Маснавий” матнида шундай байтлар ҳам мавжудки, уларда бир неча ноодатий ҳолатларни биргаликда поэтика учун хизмат қилганини кузатиш мумкин. Бунда таржимон ҳам байт структурасини сақлаш: вазни, ритмни бузмаслик учун, шунингдек, қофия талабига кўра янги ифодалар ҳосил қилган. Масалан, қуйидаги байтда *-дир* кесимлик шаклининг тарихий *турур* шаклида қўлланганини айнан вазн талаби билан қўлланганини кўрамиз:

Гар емишига ўзгаси озим турур,

Унга панде айламоқ лозим турур.

Биринчи мисрадаги *озим турур* ифодасига эътибор берайлик. У худди иккинчи мисрадаги *лозим турур* сўзига қофиядош тарзида берилган. Байт мазмунига мувофиқ форс тилидаги *озим турур* сўзидан “шайланмоқ”, “отланмоқ” маънолари англашилади. Лекин *озим* сўзи ўзбек тилида мавжуд эмас ва у матн шаклий талабига кўра *лозим* сўзига қофиядош сифатида мазмунга мувофиқ танланган.

Кейинги мисрадаги *панде айламоқ* феъли ҳам янгича шаклда берилган. Ўзбек тилида “*панд*” сўзи насиҳат сўзига маънодош бўлиб, кўпинча улар панд-насиҳат тарзида жуфт сўз ҳолатида қўлланилади. Шу сабабли ҳам бу байтда “*панд айламоқ*”нинг “*насиҳат қилмоқ*” феълида бериладиган маънони ифодалай олган. Унинг *панде* шаклида берилишида ҳам ўзига хос мақсад бор. *Панде* сўзидаги *е* форс тилидаги “йойи-вахдат” бўлиб, унинг бу шаклидан “бирон бир маслаҳат” маъноси англашилади.

Матнда вазн талабига кўра феъл шаклининг қисқартирилиш ёки унга қўшимча қўшилишини ҳам кузатиш мумкин:

Алданиб, даъво этарса кимда ким,

Мен уни зиндонга этмасми ҳукм.

Ёки

Бозбони мулк кўриб иқболу бахт,

Билгаму ул дарахт не, бул дарахт.

¹ Феъл ясалишининг мазкур шакли А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тили сўз ясалиши тизими” китоби (Т., 2007. Б.166)да ёритилган.

Адабиётшунос олим М.Имомназаров таъкидлаганидек, “Маснавийи маънавий” беҳудуд маънавият уммонидир. XIII аср иккинчи ярмида яратилган бу асар тасаввуф маънавиятининг олий тақомилини ўзида ифодалаган қомусий асардир. Бу асарнинг маънавият оламидаги юксак мавқеини унга ёзилган шарҳларнинг қўплигидан ҳам билса бўлади”¹. Шу сабабли унинг ўзбек тилидаги таржималарини ҳам адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади деб ўйлаймиз.

“Маснавийи маънавий” таржимасининг ўзига хос поэтик хусусиятлари тадқиқини амалга оширишда таҳлил объектини асарнинг умумий матнидан ажратиб олиш қўлланган натижани бермаслиги аниқ ва равшандир. Шу сабабли таҳлил доирасига имкон қадар қўпроқ материални жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу мақолада таҳлил доирасига қўрилган мавзу, яъни фақат феълларнинг лингвопоэтик таҳлили, юқорида зикр этилган тадқиқотларни амалга оширишдаги дастлабки қадамдир.

Зокиржон ОРИПОВ

Қадимги ёзма манбаларда исломдан аввалги давр мусиқаси билан боғлиқ атамалар

Исломгача бўлган Шарқ мусиқасини ўрганишда Абу Наср Форобийнинг [كتاب الموسيقى الكبير] “Катта мусиқа китоби”, Абу Али ибн Синонинг [جوامع علم الموسيقى] “Мусиқа илми тўплами”, Абу Мансур ибн Зайланинг [كتاب الكافي في الموسيقى] “Мусиқага оид тўлиқ китоб”и ва Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Илмлар қалитлари” [مفاتيح العلوم] энциклопедик асарининг [في الموسيقى] “Мусиқа ҳақида” аталмиш боби билан бир қаторда турли ўзга асарларда қадимий халқ байрамларида қўлланилганлиги таъкиланган, “Авесто”, “Шоҳнома”, “Девону луғатит турк”, “Қўшиқлар китоби” да келтирилган ва қадимги археологик топилмаларда тасвирланган мусиқамиз атамалари тизими узоқ шаклланиш ва такомил йўлини босиб ўтганни кўрсатувчи манбаларга асосландик. Ҳозир биз “Авесто”, “Шоҳнома”, “Девону луғатит турк”, “Қўшиқлар китоби” да келтирилган исломдан олдинги мусиқа атамаларнинг баъзилари ва уларни Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Хоразмий асарларида талқини ҳақида баҳс юритамиз.

“Авесто”

Мовароуннаҳр ва Хуросондаги исломгача бўлган динлар қаторида Кушон (I–IV асрлар) ва Эфталитлар (V–VI аср ўрталари) давлатлари даврида четдан кириб келган будда ва христиан динлари мусиқа билан

¹ М.Имомназаров, “Дилдаги нур”, Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси, Т.: ТДШИ, 2007. –Б.15.